

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

## ВАЛЕНТИНА ИВАНОВНА МАТВИЕНКОНИ “ДЎСТЛИК” ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш, парламентлараро алоқаларни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистон – Россия ўртасидаги, шу жумладан, минтақалараро ўзаро ҳамкорлик ва икки томонлама маданий-гуманитар алмаши-

нув салоҳиятини янада тўлиқроқ рўёбга чиқаришга қаратилган кўп қиррали қўшма дастурлар ва лойиҳаларни самарали амалга оширишга кўмаклашишдаги фаол саъй-ҳаракатлари ва шахсий ҳиссаси учун Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Ивановна Матвиенко “Дўстлик” ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
Тошкент шаҳри,  
2021 йил 27 август

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

## РАШИД ОВЕЗГЕЛЬДИЕВИЧ МЕРЕДОВНИ “ДЎСТЛИК” ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини, стратегик шерикчилик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қўшган улкан шахсий ҳиссаси, савдо, саноат, аграр сектори, энергетика, сув ҳўжалиги, транспорт ва логисти-

ка соҳаларида қўшма дастурларни ва кооперация лойиҳаларини илгари суришдаги, шунингдек, маданий-гуманитар алмашинув соҳасидаги фаоллиги учун Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Овезгельдиевич Мередов “Дўстлик” ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
Тошкент шаҳри,  
2021 йил 27 август

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик муносабатларини кенгайтириш, ўзаро шерикликни чуқурлаштириш, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоёвий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни жадал ривожлантиришга қўшаётган улкан ҳиссаси, юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларни ва туб ўзгаришларни муносиб қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистон ташаббусларини халқаро миқёсда фаол илгари суришга қаратилган сермаҳсул ишлари, шунингдек, халқларимиз орасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳини янада мустаҳкамлаш, манфаатли ва кўп қиррали муносабатларни янги босқичга кўтариш борасидаги самарали фаолияти учун қуйидагилар “Дўстлик” ордени билан мукофотлансин:

**Сухайл бин Муҳаммад Фараж ал-Мазруий** – Бирлашган Араб Амирликларининг энергетика ва инфратузилма вазири

**Цзинь Лицунь** – Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки президенти

**Ким Чангкеон** – Корея – Ўзбекистон бизнес ассоциацияси раисининг биринчи ўринбосари, Корея Республикаси

**Квинт Владимир Львович** – М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Мураккаб тизимларни математик тадқиқ қилиш институти Стратегик тадқиқотлар маркази директори, Россия Федерацияси

**Юсупов Илҳом Темирович** – Сўғд вилояти “Ўзбеклар маънавияти ва маърифат маркази” жамоатчилик ташкилоти раиси, Тожикистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
Тошкент шаҳри,  
2021 йил 27 август

Ш.МИРЗИЁЕВ

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 август кунини Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбат аввалида давлатимиз раҳбари Қозоғистон Президентига Жамбил вилояти Бойзоқ туманида рўй берган фожиа воқеа оқибатида инсонлар қурбон бўлгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди. Ўзбекистон Қозоғистонга фавқуллода ходиса оқибатларини бартараф этишда зарур кўмак кўришга тайёр экани таъкидланди.

Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатларининг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Кўп қиррали ҳамкорлик ижобий суръат билан ривожланиб бораётгани мамну-

нийат билан қайд этилди. Савдо, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт ва логистика, туризм соҳаларида кооперация лойиҳаларини, маданий-гуманитар алмашинув дастурларини илгари суриш муҳим экани таъкидланди.

Президентлар, шунингдек, минтақа кун тартиби, аввало, Афғонистондаги вазиятнинг кескинлашиши юзасидан фикр алмашдилар. Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш масалаларида яқиндан ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди.

ЎзА

## УЛКАН САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ДРАЙВЕРЛАРИГА АЙЛНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев янги йирик саноат қувватларини ишга тушириш, шунингдек, мавжуд корхоналар фаолияти билан танишиб, аҳоли билан мулоқот қилиш мақсадида 27 август кунини Навоий вилоятида бўлди.

Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллик байрами арафасида Навоий вилояти Кармана туманида мамлакатимиздаги илк қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Бугунги кунгача газ, нефть каби углеводородлар энергиясидан фойдаланиш кенг тарқалган. Лекин уларнинг захиралари чекланган. Шу боис мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбалари ривожлантирилмоқда.

Маълумки, юртимизда бир йилда ўртача 320 қуёшли кун кузатилади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистонда қуёш станцияларини қуриш орқали жами 600 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти боради. Бу – мамлакатимизнинг энергияга бўлган жами эҳтиёжидан 8 баробар кўп энергия ишлаб чиқариш мумкин, дегани.

Шу боис хорижий инвесторлар жалб этилиб, қўллаб қуёш электр станциялари қурилмоқда. Кармана туманидаги станция улардан биринчисидир.

Мазкур мажмуа қурилиши ўтган йили бошланган эди. 110 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиб, 300 мингта қуёш панеллари ўрнатилди. Унинг қуввати 100 мегаватт.

– Ушбу станция янги Ўзбекистон энергетика тизимида биринчи улкан қадам, таъбир жоиз бўлса, “биринчи қалдирғоч” бўлиб, соҳа ривожига мутлақо янги даврни бошлаб бермоқда. Бу ерда йилга 252 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бунинг ҳисобидан 80 миллион куб метр табиий газ тежалиб, атмосферага 160 минг тонна буғланувчи газлар чиқишининг олди олинади, – деди Шавкат Мирзиёев.

“Nur Navoiy solar” номли ушбу лойиҳа Бирлашган Араб Амирлигининг “Масдар” компанияси томонидан амалга оширилди. Президентимиз мазкур давлат билан ўзаро ҳамкорлик йилдан-йилга ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Биргина энергетика соҳасида умумий қиймати қарийб 1,5 миллиард доллар бўлган 1 минг 700 мегаваттлик 6 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Жумладан, Навоий вилоятининг ўзида 2023 йилда “Масдар” компанияси билан ҳамкорликда 500 мегаваттлик шамол станцияси ва “Фанес групп”

иштирокида 200 мегаваттлик қуёш станцияси барпо этилади.

Давлатимиз раҳбари фотоэлектр станцияси қурилишида иштирок этган хорижий инвесторлар, барча қурувчи ва мутахассисларга миннатдорлик билдирди.

Бу станциянинг аҳамияти шундаки, аҳоли ва саноатнинг ўсиб бораётган эҳтиёжини барқарор энергия билан таъминлайди. Нархи ҳам арзон – 1 киловатт-соат учун 2,67 АҚШ центи.

Яна бир муҳим жиҳати, бундай лойиҳалар туфайли юртимизда янги ишлаб чиқариш йўналишлари, замонавий технологиялар пайдо бўлмоқда.

Хусусан, мазкур станция қурилиши учун “Ўзэлектроаппарат” корхонасидан электротехника жиҳозлари, “Ўзбеккабель”, “Эйч-Пи-Си системс” корхоналаридан кабеллар, Бектемир металл конструкциялари заводидан таянч устунлар келтирилган.

Умуман, бундай йирик лойиҳалар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун йилга камида 1 миллиард долларлик янги бозор, электротехника кластери ташкил этиш учун пухта замин яратди.

(Давоми 2-саҳифада)

## ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев энг азиз умуммиллий байрамимиз – Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинганнинг ўттиз йиллигини нишонлаш арафасида давлатимиз томонидан олиб борилётган гуманистик сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 215 нафар шахслар афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 3 нафари асосий жазодан озод этилди, 127 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 12 нафарининг озодлиқдан маҳрум этиш жазоси энгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 73 нафар шахсларга тайинланган озодлиқдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг 14 нафарини аёллар, 12 нафарини 60 ёшдан ошган эркак, 69 нафарини чет давлат фуқаролари, 15 нафарини тақиқланган ташкилотлар иштирокчилари ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдала меҳнат билан шугулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎзА



## УЧҚУН ҚУРОНБОВЕВ – ПАРАЛИМПИА УЙИНЛАРИ ҒОЛИБИ!

“Токио-2020” ёзи паралимпия ўйинларида пара дзюдо бўйича эркаклар ўртасида 66 кг вазн тоифасида ҳамюртимиз Учқун Қуронбоев иштирокидаги финал баҳси ўз якунига етди.

Маҳоратли спортчимиз финал баҳсида испаниялик Серхио Ибанезга қарши кураш олиб борди. Мurosасиз кечган беллашувда ҳамюртимиз қўшимча вақтда ғалаба қозонди ва паралимпия ўйинларининг олтин медалини қўлга киритди. Финалгача бўлган беллашуварда Учқун Япония ва Украина вакиллари билан мағлубиятга учратган эди.

Т.РЎЗИЕВ, ЎзА



Мингбулоқ туманида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги Вазирлиги “Уруғчиликни ривожлантириш маркази” ДК Наманган вилояти бошқармаси “Мингбулоқ Элита уруғчилик ҳўжалиги” масъулияти чекланган жамияти уруғчилик тайёрлаш цехи фаолияти йўлга қўйилди.

Тантанали маросимда вилоят ҳокими Шавкатжон Абдурақоқов, туман фаоллари, соҳа ходимлари, меҳнат фахрийлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

# УЛКАН САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ДРАЙВЕРЛАРИГА АЙЛНАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Ушбу кластерда қуёш панеллари, кабель маҳсулотлари, трансформаторлар, аккумуляторлар, электр двигателлар, шамол электр станцияси учун генератор ва таянч ускуналар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш мумкин. Бу минглаб янги иш жойлари дегандир.

Мамлакатимиз иқтисодиёти жадал ривожланиб, унинг таркибидега санаот улуши ортиб бормоқда. Аҳоли турмуш даражаси ўсиб, электр техникаларидан фойдаланиш кўпаймоқда. Хусусан, сўнгги 5 йилда электр энергияси истеъмолчиси бўлган тадбиркорлар сони 25 фоизга, уларнинг истеъмол ҳажми эса 30 фоизга кўпайган.

Президентимиз иқтисодиёт, жумладан, энергетикани ривожлантиришга қаратилган режаларни ҳам айтиб ўтди.

– Келгуси 5 йилда иқтисодиётимиз ўсишини 1,5 баробарга ошириб, ялпи ички маҳсулот ҳажмини камда 100 миллиард долларга етказишни режа қилганим. Бу борада ўрта ва йирик шаклдаги минглаб янги санаот корхоналари ишга туширилиб, электр энергиясига эҳтиёж 100 миллиард киловатт-соатга етади. Бу рақам ҳозиргидан 30 миллиард киловатт-соатга кўп дегани.

Шунинг учун электр энергияси соҳасида янги ислохот ва лойиҳаларни амалга ошириш бўйича жуда катта режаларни белгилаб олганмиз. Жумладан, келгуси 5 йилда қиймати 6,5 миллиард доллар бўлган 19 та лойиҳа ҳисобидан қўшимча равишда 11 минг 500 мегаватт янги қувватлар ишга туширилади. 2030 йилга бориб электр энергияси ишлаб чиқариш таркибидега қайта тикланувчи манбалар улуши 30 фоиздан ортади. Электр энергиясини худудларга етказиш учун 500 ва 220 киловольтли 3 минг километр янги электр тармоқлари барпо этилади, – деди давлатимиз раҳбари.

Шу билан бирга, бугунги кунда паст кучланишли тармоқларнинг 66 фоизи, подстанцияларнинг 74 фоизи ва трансформатор пунктларининг 50 фоиздан кўпроғи эскирган. Шу боис келгуси беш йилда жами 70 минг километр паст кучланишли электр тармоқлари, 22 минг донна трансформатор ва 100 дан ортиқ подстанциялар янгиланиши қайд этилди.

Марказий Осиё мамлакатлари ягона энергетика занжири ташкил этиш ва бу соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича иш олиб бормоқда. Шу мақсад-

да электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича қўшма лойиҳалар амалга оширилиши, минтақа энергия тизимини ўзаро боғлайдиган қўшимча магистрал тармоқлар қурилиши маълум қилинди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлик қилиб ҳаракатга келтириб, қуёш фотоэлектр станциясини ишга туширди.

Тадбирда иштирок этган муҳандис ва қурувчилар, навоийлик нурунийлар ва ёшлар, шунингдек, ҳоржий инвесторлар сўзга чиқиб, янги станциянинг аҳамияти ҳақида гапирди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев "Навоийазот" акциядорлик жамиятига ташриф буюрди. Бу ерда бир йўла иккита завод – азот кислотаси ҳамда аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш корхоналарининг очилиш маросими бўлди.

Кимё санаоти мамлакатимиз иқтисодиётида асосий драйверлардан бирига айланмоқда. Илгари бу тармоқ асосан қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғитлар ишлаб чиқариб, бундай маҳсулотларнинг улуши соҳада қарийб 80 фоизни ташкил этар эди. Бугунги кунда замонавий полимерлар ишлаб чиқарилаётгани ҳисобидан минерал ўғитлар улуши 10 фоизга қисқарди, бошқа соҳалар учун тайёрланаётган маҳсулотлар ҳажми эса 6 марта ошди.

Кейинги беш йилда "Ўзкимёсаноат" тизимида товар маҳсулотлари ҳажми 4 марта ошди, кимёвий маҳсулотлар экспорти 250 миллион долларга етмоқда.

Бунда "Навоийазот" акциядорлик жамиятининг ўрни жуда катта. Бу ерда мамлакатимиз кимё санаоти маҳсулотларининг қарийб ярми ишлаб чиқарилади, 9 мингта яқин муҳандис, технолог ва моҳир ишчилар меҳнат қилади.

Янги ишга туширилган азот кислотаси ҳамда аммиак ва карбамид корхоналари соҳа ривожига қўшимча суръат беради. Умумий қиймати 1,5 миллиард доллар бўлган ушбу лойиҳалар "Навоийазот" да маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробар ошириб, бу кўрсаткичнинг 150 миллион доллардан 410 миллион долларгача олиб чиқади.

Ўзбекистонга биринчи марта олиб

келинган, энг илғор технологиялар билан жиҳозланган ушбу замонавий мажмуалар 60 йил аввалги эски қувватлар ўрнини тўлиқ эгаллайди.

Хусусан, биринчи корхонада йилга 660 минг тонна аммиак ва 578 минг тонна карбамид ишлаб чиқарилади. Бунда бир тонна аммиак ишлаб чиқариш учун энергия сарфи 2,5 марта камайд.

Иккинчи корхонада эса йилга 500 минг тонна азот кислотаси ишлаб чиқарилиб, электр энергияси сарфи 18 марта қисқаради.

Фақатгина ана шу иккита лойиҳа эвазига ишлаб чиқарилаётган азотли ўғит таннари 30 фоизга пасаяди. – Бу рақамлар ортида корхонанинг минглаб меҳнатсевар, фидойи ишчилари, юқори малакали мутахассисларнинг машаққатли, айни вақтда шарафли меҳнати мужассам, – деди Шавкат Мирзиёев. Ва уларга миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари раҳбарлик қилиб, азот кислотаси ҳамда аммиак ва карбамид корхоналарини ишга туширди.

2019 йил 28 декабрь куни Поливинилхлорид каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаси ишга туширилган эди.

Бугун поливинилхлорид корхонасининг иккинчи босқичи қурилиши бошланди. 400 миллион доллар қийматга эга бўлган ушбу лойиҳа поливинилхлорид ишлаб чиқариш қувватини йилга 100 минг тоннадан 220 минг тоннага, каустик содани эса 75 минг тоннадан 165 минг тоннага етказиш имконини беради.

Шу тариха электротехника, мебелсозлик, қурилиш материаллари санаоти, маиший кимё ва бошқа соҳаларда йилга талаб юқори бўлган 210 миллион долларлик маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Уни 2023 йилда ишга тушириш мўлжалланган.

Муҳим томони – бу корхона орқали "Навоийазот" ва "Электр кимё заводи" негизидега йирик, ўзаро интеграция қилинган кимё кластерини ташкил этиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари ушбу кластер салоҳияти, истиқболини алоҳида таъ-

кидлаб ўтди.

– Бу кластерда яқин йилларда умумий қиймати 3,4 миллиард доллар бўлган 23 та лойиҳа амалга оширилади. Кластер доирасида 33 турдаги юқори қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Хусусан, йил якунига қадар кластер доирасида кимё, чарм, мебелсозлик ва қурилиш материаллари санаоти учун маҳсулот ишлаб чиқарилган 2 та лойиҳа ишга туширилади. Энг муҳими, шу асосда "Навоийазот" да қўшимча 3 мингтадан зиёд янги иш ўринлари очилади, – деди Президент.

Мамлакатимиздаги иқтисодий лойиҳалар ўзаро оқилона боғланган ва бир-бирини тўлдирди. Масалан, 2030 йилгача 8 минг мегаватт қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш режалаштирилган бўлиб, бу йилга 5 миллиард куб метр табиий газни иқтисод қилиш имконини беради. Бу газ эса қайта ишланиб, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар тайёрланади.

– Биз илгари асосан пахта билан газ сотардик. Ҳозир четга сотмаймиз, ўзимизда қайта ишляпмиз. Керак бўлса, газ сотиб олаёلمиз. Нимага? Корхоналар қўлаяпти, маҳсулот қўлаяпти, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шу мақсадда келгуси йилларда 6 та кимёвий технологик кластер ташкил этиш режалаштирилган. Улардан биринчиси мазкур "Навоийазот" дагиси.

Иккинчи кластер Бухоро вилоятида жойлаштирилади ва у ерда табиий газдан полиэтилентерефталат (ПЭТ), поливинилацетат (ПВА), полипропилен ҳамда бошқа полимерлар ишлаб чиқарилади. Улар асосида тайёр маҳсулот ва буюмлар чиқарилган ўнлаб замонавий корхоналар ташкил топади.

Учинчи кластер Қашқадарё вилоятида Шўртан газ-кимё комплекси ва Деҳқонobod калий заводи негизидега бўлади. Унда ювиш ва маиший кимё виситаларининг асосий компонентлари, бимодал политизилер ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

"Фарғонаазот" негизидега бўладиган туртинчи кластерда лок-бўёқлар, мебель учун меламина, тўқимачилик санаоти учун сунъий топапар ишлаб

чиқариш кўзда тутилган.

Бешинчи кластер Қорақалпоғистон Республикасида, Устюрт худудидега жойлаштирилади. Унда кальцийланган сода, поливинилхлорид, политизилер ва полипропилен ишлаб чиқарилади.

Олтинчи кластер Тошкент вилоятида ташкил этилади. Унда моноаммонийфосфат, олтингуртл қарбамид, бошқа фосфорли ва азотли минерал ўғитлар, протеин, ювиш виситалари тайёрланади.

Бу лойиҳалар натижасида 2026 йилга бориб кимёвий товар маҳсулотлари ҳажми жорий йилга нисбатан 3 марта ортади ва 2030 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 7 фоизини ташкил этади.

Давлатимиз раҳбари бу соҳадаги улкан лойиҳалар учун малакали мутахассислар тайёрлаш зарурлигини таъкидлади.

Шу мақсадда Тошкентдаги Улугбек шаҳарчасида кимё соҳасида илмий ва таълим кластери ташкил этилади. Бу кластер 4 та олий таълим муассасаси ва кимё бўйича замонавий илмий-тадқиқот марказини қамраб олади.

Давлатимиз раҳбари поливинилхлорид ишлаб чиқариш лойиҳасининг иккинчи босқичи қурилишига тамал тоши қўйди.

Президент Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятига ташрифи чоғида олис Томди туманига ҳам борди. Навоий кон-металлургия комбинатининг техноген чиқиндиларни қайта ишлаш корхонаси фаолияти билан танишиб, одамлар билан суҳбатлашди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгунга қадар Навоий кон-металлургия комбинатидега 2 та завод бўлган бўлса, ундан кейинги йилларда 4 та гидрометаллургия заводи қурилади. Натижада рудани қайта ишлаш ҳажми 3 мартага, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2 мартага ошди. Бу жараёнда, ўз ўзидан, тоғ массасини қазиб чиқариш ҳам қўлаёти ва катта ҳажмда чиқиндилар ҳосил бўлади.

Янги корхона ушбу техноген чиқиндилардан олтин ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Шу боис у 7-гидрометал-

лургия заводи деб ҳам аталади.

Навоий кон-металлургия комбинатини 2026 йилгача ривожлантириш дастурига мувофиқ, умумий қиймати 3,4 миллиард долларлик 27 лойиҳа амалга оширилиши белгиланган. Мазкур завод ушбу лойиҳалардан биридир.

Умумий қиймати қарийб 200 миллион доллар бўлган ушбу корхона йилга 15 миллион тонна техноген чиқиндиларни қайта ишлаб, 7 тоннадан ортиқ олтин ишлаб чиқариш қувватига эга. Эътиборлиси, бунда фойдаланиладиган чиқиндилар 2040 йилгача етади.

Завод қурилишида энгил конструкциялар ва энергиятежамкор технологиялардан фойдаланилган. Илгари четдан олиб келинадиган кўплаб асбоб-ускуна ва бутловчи материаллар маҳаллийлаштирилган. Хусусан, улар Навоий машинасозлик заводи ва кон бошқармаларидаги цехларда тайёрланмоқда. Кимёвий ишлов бериш жараёнида ҳам маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланилмоқда.

Булар таннарига янада арзонлаштиришда муҳим омил бўлаётди.

Корхонада 1 минг 100 нафардан ортиқ киши иш билан таъминланди. Бу ерда Навоий давлат кончилиги институти тугатган ёш мутахассислар ва маҳаллий аҳоли қабул қилинди.

Президентимиз корхона жамоаси, тоғидики фаоллар, ёшлар билан суҳбатлашди.

– Сўнгги 4 йилда мамлакатимизда ер ости бойлиқларини ўзлаштириш ишлари 30 фоизга ошди. Саноатимизга янги, илғор технологиялар кириб келди. Энг муҳими, бу замонавий корхоналарда ишлаб оладиган билимли мутахассислар етишиб чиқапти. Давлатимиз учун ер ости бойлиқларидан ҳам қадрли бойлик бу – сизларсиз, – деди Шавкат Мирзиёев ёшларга қарата.

Шу ерда Навоий кон-металлургия комбинатидега амалга оширилаётган лойиҳалар тақдироти ҳам ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари журналистлар билан ҳам мулоқотда бўлиб, бугун ишга туширилган корхоналарнинг иқтисодий самарадорлиги, санаот соҳасидаги режалар ҳақида сўзлаб берди.

Шунинг билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Навоий вилоятига ташрифи якунланди.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**  
**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**  
**Абдували БҮРИЕВ,**  
**ЎЗА МУХБИРЛАРИ.**

## Тадбиркор йўлидаги ғов

**Қонун устуворлигини таъминлаш йўлида улғувор ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ йиллар давомида фуқароларимиз онгида қонунчилик маданиятининг етарлича шаклланимагани уларни ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишда маълум қийинчиликларга дучор этаётир. Кластер тизимидаги "POLY TEX SIRDARYO" МЧЖ раҳбарияти "Urug'chilikni rivojlantirish markazi" давлат корхонаси билан алоқа боғлаган вақтида балки кейинчалик ниҳоятда қийналиб, ҳатто судлашишга ҳам тўғри келиши ҳақида ўйлаб кўрмагандир. Лекин айнан мана шу ҳолат бугун уларни ишлашдан кўра, кўпроқ судма-суд югуришга мажбур этаётир.**

Жорий йил бошида МЧЖ раҳбарияти Сирдарё туманлараро иқтисодий суди томонидан хабарнома олишганида аввалгидега жуда ажабланишди. Суриштирувлардан сўнг маълум бўлдики, 2019 йил ҳосилдан тайёрланган ва экишга сарфланган уруғлик чигит учун "Urug'chilikni rivojlantirish markazi" давлат корхонасига 649 958 000 сўм миқдорда, бундан ташқари, вақтида ўтказиб берилмагани учун 90 кунга 23 398 470 сўм пеня ва яна бошқа ҳаражатларни МЧЖ тўлаши лозим экан. Судья Н.Сагиров раислигида жорий йилнинг 11 июнида бўлиб ўтган суд мажлисида даъвогар "Urug'chilikni rivojlantirish markazi" давлат корхонасининг талаби қаноатлантирилиб, даъвогарнинг фойдасига 649 958 000 сўм асосий қарз, олдиндан тўланган 12 999 160 сўм давлат божи ва 16 000 сўм почта харажати ундириш тўғрисида қарор қабул қилинди. "POLY TEX SIRDARYO" МЧЖ раҳбарияти ўзини оқлаш учун тақдим этган бир қанча ҳолатлар эса эътибордан четда қолди кетди. Зеро, амалдаги қонунчилик ва тартиб-таомилларга асосан ҳар бир шартнома ёки келишувга биноан миқозларга қўрсатилгандаги хизматлар учун ҳақ даъвогарнинг ўзи қонун талабларига ва юқори турдани вазирилик томонидан тасдиқланган Низомда кўрсатилган хизмат вазибаларига сўзсиз риоя қилган ҳолда ўз фаолиятини амалга ошириб келган бўли-

# Аввал хизмат, сўнггра... ҲИММАТ БЎЛИШИ КЕРАК ЭМАСМИ?

ёхуд бажарилмаган иш учун пул талаб қилишни қандай тушуниш мумкин?

ши талаб қилинади. Хусусан, мазкур ҳолатда биринчи галда икки корхона ўртасида барча ишнинг боши бўлмиш битим – ўзаро шартнома тузилмаган. Шундай экан, бошқа сабабларга ўрин бормикин бу ерда? Қолаверса, "Urug'chilikni rivojlantirish markazi" давлат корхонаси томонидан МЧЖга юборилган хатларда "Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 2 январдаги 2-сонли қарорига асосан устамалар уруғлик чигит нарҳига киритилиши сабабли ҳисобланган устамаларнинг тўлаб берилиши корхонанинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатмайдиган" дейилган. Шундай экан, унда МЧЖ нима учун "Urug'chilikni rivojlantirish markazi" давлат корхонасига яна қўшимча ҳақ тўлаши кераклики суд ҳукмида қайта-қайта илова этилаётир?

Марказ томонидан ўз хизмат вазибалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тегишли қарорлари билан тасдиқланган "Уруғлик пахта хомашёси етиштириш миқдорини аниқлаш ва унга асосан шартномалар тузиш тартиби

тўғрисида"ги Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари талаби даражасида бажарилмаганлиги оқибатида шартномада кўрсатилган миқдорда пахта ҳосили етиштириш олинмаган. Оқибатда 2019 йилда Сайхунobod туманида фаолият юритган 49 та уруғчилик фермер хўжалиқларидан 14 тасининг сотган маҳсулоти устам ҳақи билан ҳисоблаганда ҳам кластер томонидан молиялаштирилган маблағларни қоплай олмаган ва зарар билан чиққан. Бунга асосий сабаб уларнинг ҳар гектар майдондан талаб даражасидан кам яъни, 13 центнердан 24 центнергача ҳосил олишганидир. Ваҳоланки уруғчилик хўжалиқлари 30 центнердан кам бўлмаган миқдорда пахта ҳосили олишлари талаб этилади. Агар марказ масъуллари ўз вазибаларини сидқидилдан бажаришганида, фермер хўжалиқлари кўзда тутилганидан кам ҳосил етиштириб, зарар билан чиқмаган бўларди. Даъвогар томон ўзларининг судга тақдим этган даъво аризаларидагидек, судда ҳам кўрсатган қандай хизматлари учун пул талаб қилаётганликлари

исботлаб бера олишмади. Марказга уруғлик пахта хомашёси қийматига нисбатан ҳисобланган устамалар тўлаб берилиши учун пахта тўқимачилик кластери томонидан маълум шаклдаги ҳисобот тақдим этилиши лозим аслида. Лекин марказ томонидан тилга олинмаётган 55-ХЛ шаклдаги ёзма ҳисобот "POLY TEX SIRDARYO" МЧЖ раиси ва тайёрлов бўлими бошлиғи томонидан имзоланмаган. Демак, ушбу ҳужжат ўз-ўзидан ҳеч қандай юридик кучга эга эмас! Шу ўринда яна айрим ҳолатларга тўхталиб ўтиш лозим деб ўйлаймиз. Чунончи, суд ўзининг ҳал қилув қароридега тарафлар ўртасида "уруғлик пахта хомашёси етиштириб бериш бўйича контрактация шартномаси тузилмайдиган" деб кўрсатиб муҳокама қилинаётган масала моҳиятини нотўғри баҳолаган қўринад. Чунки суд процесси давомида жавобгар ва даъвогарлар ўртасида контрактация шартномаси масаласи эмас, балки маблағ ундириш билан боғлиқ масалагина муҳокама қилинган. Икки корхона ўртасида шартнома-келишув битими бўлмагач, яна кластер

сўраган ва бир томонлама тасдиқланган шартнома лойиҳасини илова қилиб жўнатган ҳалос. Бироқ, мазкур шартнома лойиҳаси шартлари фақатгина бир тарафининг, яъни "Уруғчиликни ривожлантириш маркази" ДУКнинг фойдасига тузиб чиқилган бўлиб, унда "POLY TEX SIRDARYO" МЧЖнинг манфаатлари инобатга олинмаган ҳамда "Уруғчиликни ривожлантириш маркази" ДУКнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги унда аниқ қайд этилмаган. Бу ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномасий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунининг 4-моддасига зидлиги, мос келмаслиги боис тақлиф хати жавобсиз қолдирилган. Шунингдек, биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг асослантуруви қисмида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори талабларидан келиб чиқиб, даъвогар талабини қаноатлантиришни лозим, деб топган. Лекин шу ўринда уруғчилик марказининг талабларини рад этувчи кластер томонидан тақдим этилган жиддий далилларга деярли эътибор бермаган. "Билса ҳазил, билмасча чин" қабилида иш тутиб, ўз кучини йўқотган тегишли қарорга маҳкам ёпишиб олган. Оқибатда, биринчи инстанция суди томонидан моддий ҳуқуқ

гари биз пахтани хомашё си-фатида сотган бўлсак, энди у кунлар ортда қолди. Ўзинг эк, етиштири, парваршила, йиғиб олгач, қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ҳолида четга сот! Бу бизнинг бугунги сиёсатимиз. Бу завод, фабрикалар қуриш, қўшимча иш ўринлари яратиб, одамларни иш билан таъминлаш, дегани. Биз тилга олган жамоа ана шу йўлни танлаб, ўн минглаб гектар майдонда пахта етиштириш билан бирга, Сайхунobod туманида 1200 дан ортиқ хотин-қиз ишлайдиган ип йиғирув фабрикасини, янги мой ишлаб чиқариш заводини шу йилнинг ўзида ишга тушириш чораларини кўраётир. Президентимиз "Иккита янги иш ўрни яратган тадбиркорни бошимда кўтараман, бундай тадбиркорга тиргак бўламан," деб турган бир вақтда суд органларининг келишилмаган битимлар орқасидан қувиб, кластер раҳбарларини судма суд сарсон қилаётгани катта тадбиркорлик йўлини тутган инсонларнинг оёғига болта уриш эмасмикин, деган фикр уйғотади. Мен нима дейман-у? Қўбизим нима дейди, деганлари шу бўлса керак-да!?

Юқорида таъкидланган ҳолатлардан ҳулоса қиладиган бўлсак, Сирдарё туманлараро иқтисодий суди ишни қўриб чиқиб жараёнида билибми-билмайми шундай хатоликларга, шовша-шошарликка йўл қўйган. Демакки, ушбу қарор ижро этилишидан олдин пахта ўрғани этилишида муҳтож. Масалани янада чуқурроқ ўрганиш, ким ҳақ, ким ноҳақ эканлиги юзасидан яқини ҳулоса чиқариш суд органлари ҳукмига ҳавола. Улар ҳар икки томоннинг талабларини пухта ўрганиб, масалага тўғри ечим топадилар, деган умиддаимиз.

**Рустам СОДИҚОВ,**  
**Бозорбой БЕКМУРОДОВ.**

➤ **Кашфиёт**

# Ўзбек олимлари помидордан коронавирუსга қарши

# ВАКЦИНА ЯРАТДИ



**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошидаги Геномика ва биоинформатика маркази олимлари сўнгги бир йилда коронавирუსга қарши маҳаллий вакцина яратиш устида изланишлар олиб борди. Даставвал хасталикка чалинган 200 нафар бемордан биоамуналар олиниб, молекуляр таҳлил қилинди. Сўнгра 50 дан зиёд намуна асосида вируснинг геноми тўлиқ ўқилди.**

Марказ олимларининг таъкидлашича, коронавируснинг тўлиқ геномида 26 та мутация аниқланган. Унинг фақат тож қисми, яъни S-оқсилдаги мутациялар янги штаммларни келтириб чиқарган. Охириги намуналар Ўзбекистонда фақат дельта (Ҳиндистон) штамми учраётганини кўрсатди. Мазкур модификациянинг юқиб тезлиги Ухан штаммига қараганда 3,4 баравар юқори.

Ўзбекистон Республикаси олимлари томонидан яратилаётган икки вакцина – Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг номзод вакциналар рўйхатида киритилган. Улардан бири айнан Фанлар академияси Геномика ва биоинформатика марказининг SARS-CoV-2нинг оқсил бўлагининг уч соҳаси: рсDNA3. 1 (+) плазмидасига қўйилган NTD, RBD ва HR1-HR2 вакцинасидир. Мазкур вакцина ҳозирда клиник олди синовларидан ўтмоқда.

Яна бир янги кашфиёт, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошидаги Геномика ва биоинформатика маркази олимлари томонидан помидордан коронавирусга қарши вакцина яратилди. Коронавирусга қарши вакцина яратиш учун вируснинг тож қисми уч қисмга

бўлинади. Шунда бирданига учта S-оқсилни организмга юбориш имкони туғилади. Натижада кучлироқ ҳимояга эришилади. Вакцинанинг дастлабки синовлари помидор ўсимлигида ўтказилган.

– Помидор ошқозонимизда хужайраларда парчаланаяди, – дейди марказ директори Забардаст Бўриев. – Хужайраларнинг ичида антиген ҳосил бўлади. Бугунги кунда вакцина устида январь ойидан буён иш олиб борилмоқда. Ўзбекистонда учраётган коронавируснинг тож қисмини клонлаб, ўсимлик хужайрасига киритдик. Ўсимлик хужайрасида текшириб кўрганамиз, ҳақиқатан вакцина ажралаётгани аниқланди. Помидор, бодринг каби полиз маҳсулотлари бежиз танланмаган. Уларга термик ишлов берилмайдди. Маҳсулотлар юқори ҳароратда пиширилганда антитаначалар ҳосил қилувчи вакцина парчаланиб кетади.

Мутахассиснинг таъкидлашича, озиқ-овқат маҳсулотлари орқали эмланиш тажрибаси Россия ва Канадада сут, жўхори каби маҳсулотларда қўлланилмоқда. Улар ҳозир клиник синовларда ўтмоқда.

Марказ директори Забардаст Бўриевнинг қўшимча қилишича, по-

мидорда синтезланган коронавируснинг S-оқсилни ошқозон орқали ичкака тушиб, иммун тизимини уйғотади. Ҳосил бўлган антитаначалар патоген организм билан кураша бошлайди. Бундай вакцинация болалар учун айни муддао. Ҳозир вакцина-помидорнинг лабораторияда пишиб етилиши кутилмоқда. Кейин у сичқон, қуён ва қаламушларда синовдан ўтказилади, натижалар таҳлил қилинади. Синовларнинг жорий йилда тўлиқ яқунланиши режалаштирилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳозир коронавирусга қарши вакцина Канадада тамаки, маккажўхорида олинган бўлса, Россияда биокефир, яъни сут маҳсулотларидан олинди. Вакцинали маҳсулот ошқозонимиз орқали ичкакаларга ўтиб, ичкакаларда антитаначалар шимиллиши натижасида у ерда иммун система ишлаши сабабли, организмда коронавирусга қарши иммунитет ҳосил бўлади.

– Вакциналар яратиш бўйича яна бир лойиҳа устида иш олиб борилмоқда, – дейди инновацион ривожлантириш вазири Иброҳим Абдураҳмонов. – Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Халқаро молекуляр аллергология марказида Вена университети билан ҳамкорликда катта лойиҳага қўл урганмиз. Қорамоллар коронавирусга қарши вакциналар билан эмланса, унинг сутида иммуноглобулин пайдо бўлади. Бу сут пастеризация қилиниб, пиширмасдан туриб ичилса, организмда суддаги иммуноглобулин коронавирусга қарши курашади.

Шаҳноза МАМАТУРОПОВА, ЎЗА

➤ **Қутлов**



**Истиқлолимизнинг 30 йиллиги қутлуғ бўлсин!**

**Қадрли юртдошлар, барчангизни яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами билан чин дилдан табриклаймиз ва барчангизга мустақкам соғлиқ, оилавий бахт, ишларингизга омад тилаймиз. Эзгу ниятларимиз, хайрли тадбирларимиз рўёбга чиқиб, жонажон юртимиз истиқболни, бундан-да гуллаб-яшнашини кўриб яшаш барчамизга насиб этсин!**

## Сирдарё – Сўх

**ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ**

**Коррупция балосини жамиятимиз ҳаётидан йўқ қилишга қаратилган сиёсат келгусида ҳам қатъий давом эттирилади.**

Ш.МИРЗИЁЕВ

## Коррупция – тараққиёт кушандаси

Мамлакатимизда тараққиёт кушандаси бўлган иллат – коррупцияга қарши изчил кураш олиб борилмоқда. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, Утган йили турли даражадаги мансабдорлар томонидан содир этилган жиноятлар учун 1723 шахс жиноий жавобгарликка тортилган. Улар томонидан етказилган зарар 500 миллиард сўмни ташкил этган. Жорий йилнинг беш ойида эса 1696 нафар мансабдорга нисбатан жиноий иш очилган. Етказилган зарар 450 миллиард сўмни ташкил этмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ушбу жиноятлар кўпроқ хўжалик юритувчи субъектлар, таълим, соғлиқни сақлаш тизими ва бошқа соҳаларда содир этилган. Жиноятчиларнинг аксарияти ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, пора олиш ва бериш ҳамда бошқа мансабдорлик жиноятлари учун жавобгар бўлган.

Мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашишда самарали усуллар қўлланилмоқда. Ваколатли органлар томонидан бу борада жиддий чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Ш.К.САНОВ,

Тошкент вилояти ФВБ Ўз хавфсизлиги бўлими бошлиғи, подполковник.

## Эътиборсизлигу эҳтиётсизликка йўл қўймайлик!

*Тошкент тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими, "Тумангазкорхонаси" ва туман Ёнгина қарши курашиш жамияти ходимлари ҳамкорлигида ёнгинлар, табиий газ сизиб чиқиши, ис газидан заҳарланишларнинг олдини олиш борасида туманда комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.*

Тарғибот тадбирлари мунтазам олиб борилмоқда. Телекўрсатувлар тайёрланмоқда, матбуотда мақолалар чоп этилмоқда, маҳаллалар, корхоналар, мактаб ва боғчаларда учрашувлар ўтказилапти. Қолаверса, эслатмалар тайёрланиб, аҳолига тарқатилмоқда. Доимий огоҳлантиришлар, тинимсиз тушунтириш ишлари олиб борилаётганига қарамай, афсуски, ёнгинлар содир бўлиб, катта моддий ва маънавий зарар етмоқда.

Айрим фуқаролар иситиш печлари ҳамда газ мосламаларининг носозлигига бепарво қараб, улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этмайдилар, эҳтиётсизлик, эътиборсизликларга йўл қўядилар. Бу эса аксарият ҳолларда ўнглаб бўлмас оқибатларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

**Хурматли ҳамюртлар!** Ҳадемай, куз-қиш мавсуми бошланади. Мавсум олтидан иситиш печларини таъмирлаб, мўриларни тозалашни унутманг! Газ ва газ асбоб-ускуналаридан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя

этиб, газ билан иситиладиган печларнинг соз ҳолда ишлашини мунтазам назорат қилиб туринг, тунда уларни учириб қуйишни унутманг, газ мосламаларидан фойдаланишни ёш болаларга ишониб топирманг, газ плиталаридан хонани иситиш мақсадида фойдаланманг, ёниб турган газ плитаси устида кир қуритманг, ёнаётган газ хонасидаги шамоллатиш мосламаларини беркийтиб қўйманг, хоналарни тез-тез шамоллатиб туринг, газ ҳидини сезсангиз, учқун чиқарувчи мосламаларни ёқманг! Шу ва шу каби ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиб, ҳамма вақт сергак ва хушёр бўлсак, ҳар бир кунимиз тинч ва осуда ўтади.

Юртимиз ва халқимиз бойлигини, энг бебаҳо бўлган инсон ҳаётини ёнгиндан асраш ҳаммамизнинг ишимиздир. Бунинг учун қийин бўлмаган барча ёнгин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилиб, зарур чора-тадбирларни ўз пайтида кўриш кифоя.

**Баҳодир ИРСИМБЕТОВ,** Тошкент тумани ФВБ Ёнгин назорати ва профилактика инспектори, сержант.

## “ТОШКЕНТ СУВ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ”

давлат унитар корхонаси жамоаси

азиз ватандошларни, Сув хўжалиги вазирлиги тизимида меҳнат қилаётган барча ҳамкасбларини

### Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги


байрами билан муборакбод этади.

Барчангизга ишларингиз бароридан келишини, оилаларингизда тинчлик ва хотиржамлик, қут-барака бўлишини тилаймиз. Мамлакатимизда кечаётган изчил ислохотлар жараёнида иштирок этиб, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз.

**Илоҳим, байрамларимиз, қувончу шодликларимиз абадий бўлсин!**

➤ **Эълон**

“TACTICAL OF MIND” МЧЖ (СТИР 308556536) ўз устав фондини 300 000 000 сўмдан 42 000 000 сўмгача камайитрилишини маълум қилади. Даъволар учун тел: (+998 93) 507-66-63.



*"Мустақиллик даврида, яъни, кейинги 30 йилда Ўзбекистон аҳолиси 15 миллион нафарга кўпайди. Бу ўртача бир мамлакат аҳолиси, демакдир. Қолаверса, вақт ўтиши, ҳаёт ўзгариши билан одамларнинг истеъмол талаби ва эҳтиёжлари ҳам муттасил ортиб бормоқда. Еримиз, сувимиз эса кўпаймаслиги табиий, албатта. Бундай ресурслар нафақат бизда, бутун дунёда чекланган. Бинобарин, биз энди ақлимизни, интеллектуал салоҳиятимизни, билим ва тажрибамизни оширишимиз, айнан ана шу омилларни иқтисодий ўсиш нуқталари ва ресурс манбаларига айлантиришимиз шарт."*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Янги Ўзбекистон" газетасига берган интервьюсидан.

### ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

кўпмиллатли халқимизни, шу жумладан, ердан ризқ-рўз ундираётган азми қатъий фермеру бободехқонларни, меҳнатсевар томорқа ер эгаларини энг улуғ ва энг азиз айём –

#### Мустақиллик байрамимиз

билан чин қалбдан муборакбод этади. Ҳар бир хонадон, ҳар бир ватандошимизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака, бахту саодат доимо ёр бўлишини тилайди. Илоҳим, дунёмиз тинч, деҳқонларимизнинг ҳосил хирмонлари сарбаланд бўлсин! Янги Ўзбекистонимизни янада обод этиш йўлида ҳар биримизга янги-янги марраларни забт этиш насиб этсин!



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ҚЎМИТАСИ ТАРКИБИДАГИ

## ТОШКЕНТ КЎПРИКЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

бунёдкор халқимизни, тизимда меҳнат қилаётган барча ҳамкасбларини Ватанимиз Мустақиллигининг 30 йиллик шодиёнаси билан самимий қутлайди. Ушбу қутлуғ кунлар остонасида – Ватанимиз мустақиллигининг шонли 30 йиллик тўйи арафасида барча юртдошларимиз оилаларига қут-барака тилайди.

Мустақиллик барчамизга ҳамма вақт муборак бўлсин, азизлар!

## "ИПОТЕКА-БАНК" АТИБ

Барча юртдошларимизни Ватанимизнинг

# 30

Мустақиллик байрами билан самимий табриклайди.

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги

## "Автомобистраль" ИАЙҚТБ

меҳнат жамоаси

ватанимиз Мустақиллигининг 30 йиллик байрами билан табриклайди ҳамда барчага омад ва бахт, ишларига ривож тилайди. Байрам ҳар бир хонадонга файзу барака, қувончу шодлик олиб келсин. Юртимизда ҳукм сўраётган тинчлик ва осойишталик ҳамisha барқарор бўлсин!

**QISHLOQ HAYOTI**  
 МУАССИСЛАР:  
 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.  
 Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:  
 Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммадjon ТОШБОЛТАЕВ, Ақтам ХАЙТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Раимкул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).  
 Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Маtbуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.  
 Ҳажми 2 босма табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.  
 НАШР ИНДЕКСИ – 144.  
 Буортма Г-847, 2 028 нусхада чоп этилди.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Маtbуотчилар кўчаси, 32-уй.  
 Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50. Аграр масалалар бўлими – 236-26-47.  
 Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78.  
 Факс – 233-44-43, 233-09-93. Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04.  
 e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.

ISSN 2010-7921  
  
 Босишга топшириш вақти: 21.00  
 Босишга топширилди: 03.20